ACADEMIC RESEARCH IN EDUCATIONAL SCIENCES VOLUME 2 | ISSUE 6 | 2021
ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

ШЕЪРИЯТДА ЛИРИК “МЕН” ВА ПОЭТИК ОБРАЗ МУНОСАБАТИ

Нодира Мустафоева
Тошкент вилояти Чирчиқ давлат педагогика институти

АННОТАЦИЯ

Одатда поэтик образнинг шеъриятдаги бош вазифаси нимадан иборат деган масалада гап кетганда, унинг лирик “мен” муносабатини, руҳиятини, қалб кечинмаларини кўрсатишда асосий поэтик унсурлардан бири эканлиги эътироф этилади.

Калит сўзлар: шеърият, лирика, эпик, поэтик, образ, бадиий асар

КИРИШ

Дарҳақиқат, шеъриятда етакчи образ бу лирик “мен”дир. Лирик қаҳрамоннинг муносабати шоир концепциясини белгиловчи асосий манбалардан бири ҳисобланади. Айтиш жоизки, лирик “мен” шоир шахсиятини бутунлай ифода этолмайди. Боиси шоир лирик “мен”да ўз характерининг муайян қирраларини фаоллаштириш орқали лирик кечинмаларни умумлаштириш ва универсаллаштиришга эришади. Айни шу умумлашганлик сабабли лирик қаҳрамон туйғулари ўқирманларгада юқади, уларга таъсир кўрсатади. [1] Демак, лирик “мен” ҳар доим ҳам шоирнинг ўзи бўлавермайди. Поэтик образ ва тимсоллар мана шу лирик қаҳрамоннинг ўзлигини намоён қилишда асосий унсурлар ҳисобланади. Чунончи, Азим Суюннинг “Овчи ўлими” номли балладасидаги Қодир бобонинг тилидан айтилган бургут асосий поэтик образдир. Бунда бургут лирик қаҳрамоннинг муросасиз, жанговар руҳий оламини очишда асосий образ сифатида намоён бўлмоқда. Шеърда лирик қаҳрамон ёш бола. Шеър ғояси касал қўшниси Қодир овчига қарашиб турган ёш лирик қаҳрамон нигоҳи орқали очилади. Шеърда Қодир овчи фожеасининг бургут билан муқоясаланиши ва бургут билан уйғунлашиши ёш лирик қаҳрамон руҳиятида ўзига хос кечинмалар ҳосил қилади. Шеърда Қодир бобо билан бургут образи ўзаро бирикиб бургуткелбат яхлит бир образга айланаяпти. Шеърдаги ёш лирик қаҳрамон англаган ҳақиқат шу. Бургут бўлиб яшадингми, бургут мисол ўзингни фидо қилишни ҳам адо эт.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Маълумки, поэтик образнинг асосий вазифаси: 1.Ижодкор концецияси сифатида намоён бўлаётган лирик “мен”нинг фаол муносабатини акс эттиради.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

2. Шеърнинг бадиий мукаммаллигини, образлилигини таъминлашга ҳиссасини қўшади.

Азим Суюннинг “Баҳодирнинг қиличи” шеърида илгари сурилган янгича концепция ва бола руҳияти тасвири ишонарли ҳамда жонли – ҳаётий лавҳаларда ифодаланган. Ушбу шеър муносабати билан кўпгина адабиётшунос олимлар фикр-мулоҳазалар билдиришга. [2] Ҳақиқатдан ҳам улар таъкидлаганидек, шоирнинг ушбу шеърида кучли характер тасвири бор. Шеърнинг лирик қаҳрамони шоирнинг ўзи. Шеърдаги бош қаҳрамон эса ёш болакай. Лирик қаҳрамон муносабат билдираётган воқелик эса айнан шу бола руҳиятидаги драматик нуқталарни тасвирлаш билан боғлиқ. Одатда эртакларда тасвирланишича, баҳодирларнинг қиличи синмайди, улар доим зафар қозонишади. Қилич детали поэтик образ сифатида шу орқали лирик қаҳрамоннинг фаол муносабатини ҳосил қилган. Шоирнинг ушбу шеърида илгари сурилаётган концепциянинг янгилиги ҳам Баҳодирнинг қиличи синиши ва бунга боланинг (юм-юм йиғлаши, китоб варақларини йиртиб ташлаб қилган исёни тарздаги) фаол муносабати билан белгиланади. Ушбу муносабатдаги укинч ва изтироб образлилик ва эмоционаллик касб этиб ўқувчи қалбини ҳам тирнайди. Шеър хотимасида акс этган лирик қаҳрамоннинг комил ишончи эса ҳамнафаслик, жонкўярлик ва енгилмас иродaнинг ёркин исботидир. “Ишонаман, қайлардадир у // Баҳодирга қилич излайди...” [3]

Маълумки, шеъриятда лирик қаҳрамон руҳияти тасвирлари ўзига хос талқинларга эга. Бу талқинлар энг аввало руҳиятда кечаётган оний холатдаги кечинмаларга асосланади. Шеърият шу жиҳати билан бошқа адабий турларга нисбатан маълум бир драматизмга, қисқа фурсатли кечадиган руҳий пуртаналарга, зиддиятли ўй-хаёлларга изн беради. Айни пайитда шоир “мен”и билан лирик қаҳрамон кечинмаларидаги уйғунлик, муштараклик туйғуларнинг ўзига хослигини, субъективлигини таъминлашга хизмат қилади. Бинобарин, шеърий асарларда шоир “мен”и билан лирик қаҳрамоннинг ўзлигини намоён қилиши қаерда бирлашиб, қайси ўринларда алоҳидалик касб этишини англаш мушкул кечади. Зеро, шоир ижод жараёнида кўпроқ ўз “мен”ини, ўз орзу истаклари ва алам-ҳижронларини қоғозга тукиши айни ҳақиқат. Бу тизгинсиз оний кечинмалар шеърда умумлашма моҳият касб этса, китобхонга ҳам юқсагина шоир “мен” лирик қаҳрамон сифатида ўзлигини намоён қилади.

Азим Суюн шеъриятга кўтаринки руҳ билан кириб келди. Унинг дастлабки шеърларида ҳаётга ва яшашга жуда катта ташналик, ишонч, ҳаёт

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

гўзалликларидан баҳраманд бўлиш, турмушнинг ҳар қандай қийинчиликларни назар-писанд қилмай енгиб ўтишга кучли иштиёқ лирик қаҳрамон руҳиятини ичдан нурлантириб туради. Шоирнинг ёш қалби романтик туйғуларга бой, хатар-у хавф-тўсиқларни писанд қилмай енгиб ўтишга шай турган қаҳрамон сифатида гавдаланади. Шу жиҳатдан шоирнинг етмишинчи йиллар бошларида ёзган “Оппоқ булут ҳақида қўшиқ”, “Истак”, “Мени ўлдиролмас...” каби шеърлари характерлидир.

НАТИЖАЛАР ВА МУҲОКАМА

Бу шеърларда осмондаги оппоқ булутларга тик қояларлардан туриб мағрур боқаётган, мисоли бургутдек қалбларга ўт ёқишни орзу қилаётган ва мана шу боқишлари билан олисдаги муҳаббати – Уни учратганлигидан масрурликҳисларини кечираётган лирик қаҳрамон ҳолатларини кузатамиз. Бу кечилмаларда хеч қандай иккиланиш йўқ. Аксинча ўзига катта ишонч барқарор. Лирик қаҳрамоннинг қалби тоғларга, кенгликларга интилади. Ўзининг масрурлигини шу кенгликлардан излагиси келади. Шу ўринда таъкидлаш зарурки, шундай романтик кечилмалар Эркин Воҳидов ижодининг ҳам дастлабки йилларида бўй кўрсатган эди. Унинг лирик қаҳрамони ҳам илк севгисидан масрур бўлиб, денгизларда қулоч очиб, тўлқинларга урушни, тоғларга чиқиб бор овоз билан “мен севиб қолдим”, дея хайришни орзу қиларди. Бу умуман олганда ижодга энди қадам қўяётган кўплаб ёш қаламкашлар учун табиий ҳол бўлиб, уларнинг ёшлик кучи жўш ўриб турган қалб кечилмаларини қоғозга изҳор этишнинг натижаси сифатида қаралади.

Азим Суюннинг “Истак” шеърида ҳам шундай кайфият устувор. Бу шеърда ҳам шоирнинг истаги хилват гўша, тиниқ осмон ва сокинликни қумсаётган юрак тўғёнлари... Кўкка бўй чўзган тоғлар билан бир қаторда мавж уриб, тўлқинланиб тошаётган денгиз ҳам шоирнинг ором билмас истагидир. Бу каби ўзгарувчанлик, сокинликдан тоғлару денгизлар томон ошиқиш – лирик қаҳрамоннинг беором қалб кечинмаларидир. Шоир шеърда ушбу руҳий ҳолатларни антитеза усулидан фойдаланиб поэтиклаштиради.

Хилват гўша менга керак,
Менга керак тиниқ осмон.
Сокинликни қумсар юрак,
Кўкни севган қушчасимон.
Тоғлар, менинг истагим – сиз.
Тўлқинлардир жонга ҳузур,

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

Тўлқинларни истар қалбим.
Тинч қирғоқда турган қайиқ
Буронларни севган каби.
Истакларим ўзинг – дангиз.[4]

Шоир шеърларига хос бўлган қатъий ишонч, хаётсевар туйғу ифодаси ижодкорликка бўлган кучли иштиёқдан келиб чиққан. “Мени ўлдиролмас” шеърида ушбу ғоявий мотив баралла куйланади.

Саккиз мисрадан иборат бўлган ушбу шеърнинг дастлабки тўрт қаторида шоир қалбини ҳеч қандай куч мавҳ этолмаслиги, ҳар қандай балоларга, ҳатто ишқдан яраланган бўлса-да юрагининг енгилмаслиги, ҳар қандай алам-ситамларни енгиб ўтишга қодирлиги баён этилади. Чунки бу қалб дунёни севади, ҳаётни бир қўшиқ каби чанқоқлик билан севади.

Дунёни севаман – юрагим қайноқ,
Севаман бус-бутун барча рангини.
Қўшиққа чанқоқман – ҳаётга чанқоқ,
Балки шу чанқоқлик ўлдирар мени.[4]

Бироқ, бу романтик туйғулар шоир шеъриятида ўткинчи ҳолат бўлиб чиқди. Шеъриятнинг сирли сўқмоқларига чуқурроқ кириб борган сари, ижоднинг қалбни минг хил азобларига, қийноқларига дучор этувчи “инжиқликларини” ҳис этиб борган сари шоир қалби романтик туйғулардан воз кечиб, ҳаёт ва ижоднинг нотаниш суқмоқлари сари боради. Бу йўлда иккиланишлар, изтироблар, қониқмаслик асосий мезон эканлигини англай бошлайди. Бу англаш шоирнинг лирик қаҳрамонини сўнгсиз изтиробларга солади. Лирик қаҳрамон илк марта ўзини ўзи тафтиш қила бошлайди: ҳаётда яшашдан мақсад нима? Яратувчилик ишқи-чи? Шеърий мисралар орқали бошқаларнинг қалбини забт этиш шавқи нимада? каби саволлар лирик қаҳрамонни сўнгсиз ўйларга солади. Энди биз Азим Суюн шеъриятида ўзи билан ўзи ёлғиз қолиб, ўз-ўзига ҳисоб бераётган, ўз-ўзини тафтиш қилаётган безовта қалб оғриқларини кўрамиз. “Август оқшомларида”, “1975 йил 22 февраль” “Янги йил кирмоқда” каби шеърлари шу жиҳати билан ажралиб туради.

“Август оқшомларида” шеърида ифодаланаётган туйғулар шоирнинг тиниқ феруза осмон тагидаги ўй-ҳаёллари асосига қурилган. Таъкидлаш жоизки, мазкур шеър руҳий кечилмалардаги пуртаналари билан, лирик қаҳрамоннинг тизгинсиз ўй хаёлларидаги зиддиятлийлик билан, атоқли шоир Абдулла Ориповнинг шу типдаги шеърларига ҳамоҳангдир. Биз бу шеърда

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

лирик қаҳрамоннинг дастлабки шеърларидагидек катта бир романтик руҳ билан ҳаётга чанқоқлигини изҳор этаётган масрур қаҳрамонни кўрмаймиз. Бунда энди салқин тоғ этагида ой балққан кенгликларга қараб ўйланаётган ва шу ўйларида ўзининг шошиб ўтган умрини, кечмишини бир бор қайтабаҳолаётган, тафтиш қилаётган хаёлчан қаҳрамонни кўрамиз. Унинг қалбидан кечаётган кечинмалар зиддиятли оҳангларга тўлиқ. Бир томондан унинг қалби мана шундай сўлим табиат қўйнида завқланиш ўрнига риёзат чекишдан нима наф, нима истасанг барчаси муҳайё-ку, деган маккор хаёллар ҳам ўтади, лекин бу оний ҳолат бўлиб, шоир қалбини хушёрликка чорлайди. Унинг бенаф ўтган кунларига ғусса билан боқиши, ўз қалбини ўзи ўтда ёқишлари ана шу бехаловатликнинг сабабкорларидир. Лирик қаҳрамон кўз ўнгида намоён бўлган хотиралар энди унга алам келтиради, ўз қалб изтиробларини ҳис эта борган сари бу алам кучайиб бораверади. Шоир ўтган умрида ўзгалар қалбини куп тинглагани ҳолда, ўз қалбини кеч англаганлигини афсус- надомат билан эътироф этади. Шоирлик, аввало, ўз қалбингни кашф эта олишдан бошланишини, бу ҳаётий ҳикматга шу пайтга қадар амал қилмасликдан туйган изтиробни тоғ қоясида совуқ тошларга қасдма-қасд тик ўсган арча билан менгзайди.

Ўша арчадек бир қур яшадимми дунёда,
Оқ чўққилар шаънига тўқидимми бирон байт.
Олқишлар айтолдимми мангу боқий зиёга,
Инсон бўлиб не бўлдим, етмадими ё пайит?.[5]

Шоир ўтган йигирма беш йиллик умрида илк маротаба ўз-ўзини тафтиш қилар экан, биринчи марта истеъдод нима ўзи, деган саволни қўяди ва ўзида истеъдод бор ёки йўқлигинининг шубҳасини қилади. Лекин шоир бундай умидсизлик шоир табиатига хос эмас. Табиатан оптимист бўлган шоир қалби ўткинчи ҳаёлларни бирдан ўзидан узоқлаштиради: гўёки бошини бир силкитиб, яна ўзидаги ишончни тиклашга харакат қилади.

Наҳот энди менга кеч...
Йўқол, шайтоний хаёл,
Ҳей, қани кеч туғилган орзуларим, келинг, сиз.
Сизлар бўлинг умримга бир умр нотинч савол,
Токи мен замондан ортда қолмайин ҳаргиз!..
Поёнсиз ерларга уруғ тиккандай деҳқон,
Инсонларнинг қалбига экмоқ истайман гуллар.

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

Мана шу ўзгалар қалбига гул экмоқ истаги шоирнинг қалбини безовта қилаётган беором туйғулардир. Шоир қалбидаги иккиланишлар, ўзини қилаётган тафтишлар, барибир охир-оқибат катта ишонч ва оптимистик туйғуларга изн беради. Бу Азим Суюн шахсиятининг ўзига хос хусусиятидир.

Шоир руҳиятида кечаётган иккиланишу қаттият унинг “1975 йил 25 февраль” шеърида яққол намоён бўлади.

Бардошларим, кетманг юзтубан,
Бардам бўлинг, содиқ саботим.
Уч минг мисра шеърим бу он,
Ёқмоқ бўлди шонли журъатим.

Шеърнинг бундай драматик руҳда бошланиши шубҳасиз китобхонни уйга толдиради. Нега бунда ҳол рўй бераяпти, нега шоир ўз қалб қўридан яралган мисраларидан воз кечмоқда, албатта, бундай ҳолнинг ўзига хос бўлган катта бир асоси бўлиши керак. Китобхон шу каби саволлар билан шеърнинг давомини ўқир экан, худди юқоридаги шеър каби ўзига ҳисоб бераётган, ўзидан ўзи қониқмаётган, ижодига катта талабларни қўяётган шоир “мен”ига дуч келамиз.

Улар менга қанчалар азиз,
Оҳ, қанчалар бўлмасин яқин.
Ўзга қалбда уйғотмас бир хис,
Ўзга қалбда чақнатмас чақин.[5]

Демак, шоирнинг безовта қилаётган туйғу шеърларининг ўзгалар қалбида ҳам чақин чақнатиш мумкинлигини ҳис этишдан туғилган. Шунинг учун шеърда “мен”нинг қалбини эмас, балки мингнинг қалбини куйлаш бош концепция сифатида жаранглайди ва шоир ижодий принципларини белгилаб беради. Демак, Азим Суюн наздида шеър фақат “мен”гагина эмас балки мингларга ҳам маънавий озуқа беролса, улар қалбини ҳам забт этолсагина чинаккам шеъриятга айланади.

Шоир руҳиятидаги бундай зиддиятли ҳолатлар, оламга уйғоқ қалб билан назар ташлаш, бошқа шеърларига ҳам хос хусусиятга айланади. “Янги йил кирмоқда” шеърида лирик қаҳрамоннинг янги йил арафасидаги ўй-хаёллари, ўтиб бораётган эски йилни сарҳисоб қилиш жараёнидаги шубҳа-гумонлар шоирнинг безовта қалбига ором бермайди.

Бас! Шеърлар ёздим мен... Худди талх шароб –
Ичгандай нафасим қисилар оғир.
Бир туркум шеър нима?..

ISSN: 2181-1385
Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723
DOI: 10.24412/2181-1385-2021-6-1364-1370

Ва яна бирдан:
Хотирам жам этар улар салмоғин.
Дейман: битта шеърнинг сўнмас умрида
Бутун бир умрнинг қолмоғи![5]

ХУЛОСА

Юқоридаги кузатишлардан шундай хулоса қилиш мумкинки, Азим Суюннинг шоир сифатидаги ижодий изланишлари бир текис силлиқ кечмаган, лирик қаҳрамоннинг романтик туйғуларидан бошқалар қалбини забт эта олишдек залворли мақсадлар сари ўсиб бораётган шеърият сифатида намоён бўлади. Шоирнинг лирик қаҳрамони мана шундай иккиланишлару изланишлар жараёнида ўзлигини намоён қилаётган, қалбини эзгу туйғулар билан бойитиб бораётган қаҳрамон сифатида бўй чўзаётганлигини кузатамиз.

REFERENCES

1. Йўлдош Қ, Йўлдош М. Бадиий таҳлил асослари. Т.: Kamalak, 2016. –Б. 268.
2. Олим С. Завқ ва масъуллик. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати газетаси, 1993йиль 5 февраль; Йўлдошев Қ. Сўзга жойланган ўзлик. Сўз ёлқини. Т.: Ғ.Ғулом, 2018. – 4-15 бетлар.
3. Суюн А. Танланган асарлар.(2-китоб) –Т. : Ғ.Ғулом , 2015. –Б. 111.
4. Суюн А. Танланган асарлар, - Т: Ғ.Ғулом, 2015. –Б.55.
5. Суюн А. Танланган асарлар, - Т: Ғ.Ғулом, 2015. –Б.73.
6. Shayxislamov, N. (2021). ONA TILI VA ADABIYOT DARSLARIDA O‘QUVCHILAR NUTQINI O‘STIRISH MASALALARI. *The 21st Century Skills for Professional Activity*, (6), 160-162.
7. Shayxislamov, N. (2021). ARAB VA INGLIZ TILLARIDA FE’L SO‘Z TURKUMI VA UNING XUSUSIYATLARI. *The 21st Century Skills for Professional Activity*, (5), 144-145.
8. Shayxislamov, N. (2021). ONA TILI DARSLARIDA “SO‘Z TARKIBI” MAVZUSINING O‘RGANILISHI YUZASIDAN MULOHAZALAR. *Academic Research in Educational Sciences 2 (Special Issue 3)*, 119-124.
9. Шайхисламов, Н. (2021). ЛИСОНИЙ БЕЛГИГА ДОИР ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАР. *Nutq madaniyati va o‘zbek tilshunosligining dolzarb muammolari*, 232-238.
10. Шайхисламов, Н. (2021). СИНТАКСИС ВА МОРФОЛОГИЯНИ БОҒЛАБ ЎРГАТИШ. *Амалий тилшуносликнинг фанлараро масалалари: масофавий таълимдаги муаммолар ва уларнинг ечимлари*, (2), 368-371.
11. Шайхисламов, Н. (2021). ЎҚУВЧИЛАРНИНГ НУТҚИЙ КОМПЕТЕНЦИЯЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ УСУЛЛАРИ. *Keng raqamlashtirish sharoitida til va adabiyotni o‘qitish muammolari*, 287-290.